

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АБДУЛХАКОВ ИХТИЁР УМАРОВИЧ

**ЭНДОКРИН ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШИДА
ХУДУДИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАРТИБИГА БОҒЛИҚ ИЖТИМОЙ -
ГИГИЕНИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.07 – Гигиена

14.00.33– Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдулхаков Ихтиёр Умарович

Эндокрин тизими касалликлари ривожланишида худудий
овқатланиш тартибига боғлиқ ижтимоий-гигиеник чора-
тадбирларни такомиллаштириш..... 3

Абдулхаков Ихтиёр Умарович

Совершенствование социально-гигиенических мероприятий,
связанных с учетом регионального питания при развитии
заболеваний эндокринной системы 23

Abdulkhakov Ikhtiyor Umarovich

Improving social and hygienic measures related to regional nutrition in
the development of diseases of the endocrine system 43

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АБДУЛХАКОВ ИХТИЁР УМАРОВИЧ

**ЭНДОКРИН ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШИДА
ХУДУДИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАРТИБИГА БОҒЛИҚ ИЖТИМОЙ-
ГИГИЕНИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.07 – Гигиена

14.00.33– Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib871 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Эрматов Низом Жумакулович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хайдаров Нодир Кадилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Норматова Шахноза Анваровна
PhD, доцент

Маматова Нодира Мухторовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси. 2 уй, Тошкент тиббиёт академияси, собиқ Олмазор тиббиёт коллежининг 1-қаватдаги мажлислар залида. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси 2 уй, Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бинонинг «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.
(2023 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Г.Т.Искандарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қандли диабет муҳим тиббий ва ижтимоий муаммо ҳисобланиб, хасталикни ривожланишига пациентларнинг кун тартибининг издан чиқиши, кунлик овқатланиш тартибини бузилиши, гиподинамик ҳолат, кунлик овқатланиш рационада олий навли ун маҳсулотлари, ўсимлик мойи, қандолат, тузли ва аччиқ маҳсулотларнинг ортиқча истеъмоли, ортиқча тана вазни, турли даражадаги семириш ва асаб-руҳий тизимидаги ўзгаришлар сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатда унинг юқори даражада тарқалганлиги билан боғлиқ бўлиб, 2030 йилга қадар қандли диабет билан хасталанганлар сони қарайиб 500 миллионга етиши кутилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда «...дунёда 438 миллиондан ортиқ инсонлар қандли диабет касаллигига чалинган ...»¹. Юқоридагиларни инобага олиб, қандли диабет хасталигини аҳоли орасида тарқалишининг ижтимоий-гигиеник ва хавф омилларни ажратиш ва боғлиқлигини асослаш, касалликни олдини олиш, даволаш ва асоратларини камайтириш замонавий профилактик тиббиёт соҳасининг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда эндокрин тизими касалликлари ривожланишида худудий овқатланиш тартибига боғлиқ ижтимоий-гигиеник чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада мурожаатлар ва чуқурлаштирилган тиббий кўриклар материаллари асосида аҳолининг турли қатламлари орасида касалланиш даражаси, хавф омилларини ижтимоий-гигиеник баҳолаш, худудларда аҳолининг овқатланиш рационини гигиеник таҳлили ва рацион таркибидаги олий навли ун, шакар, ўсимлик мойи ва туз миқдорини белгиланган даражасини таъминлаш, пациентларнинг тана вазн индексини гигиеник таҳлил қилиш, кунлик рационини фруктоза сақловчи маҳаллий маҳсулотлар билан бойитиш, худудий овқатланишни инобатга олган ҳолда аҳоли орасида эндокрин тизими касалликларини камайтириш ва ногиронликни олдини олишга қаратилган ижтимоий-гигиеник чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни самарали ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан

¹Дедов И.И. – «Гестационный сахарный диабет: диагностика, лечение, послеродовое наблюдение». // Сахарный диабет.-2011.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

холда, жумладан, эндокрин тизими касалликлари ривожланишида худудий овқатланиш тартибига боғлиқ ижтимоий-гигиеник чора-тадбирларни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги 4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 19 апрелдаги ПҚ-4295-сон «2019 - 2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича Миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда жаҳонда соғлом овқатланиш тартибига риоя қилмаслик натижасида юзага келадиган касалликларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) тан оладик, юрак қон-томир тизими, диабет, ҳавfli ҳосилаларнинг маълум шакллари ўз ичига олган асосий юқумсиз касалликларнинг етакчи сабабларидан бири тартибсиз овқатланиш бўлиб ҳисобланади. Аҳоли турли қатламларининг аксарият қисмини овқатланиши оддий карбонсувлар ва келиб чиқиши юқори миқдорда ҳайвон ёғларини сақлаган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш, рационда ҳўл мева ва сабзавотлар, балиқ ва денгиз маҳсулотларини етарли бўлмаслиги сабабли соғлом овқатланиш тамойилларига мос келмайди. Бу эса ўз навбатида тана вазнини ортиши ва семизликка олиб келиб, уни тарқалиши охириги 8-9 йилда 19%дан 23%гача ошиб, қандли диабет, юрак қон-томир тизими касалликлари ривожланиш хавфини ортишига олиб келган (Тамраева Е.Ю., 2018). Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосининг ечими инсонларни озиқ-овқат моддалари ва энергияга бўлган физиологик талабига мос озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиши ва инсон организмни ички муҳитига турли кимёвий ва биологик токсикантларни овқат билан тушишидан муҳофаза қилиш—санитар эпидемиологик хавфсизликни кўзда тутати (Онищенко Г.Г., Зайцева Н.В. 2014).

Ўзбекистонда аҳолининг овқатланиши ва турли хасталикларни даволашда парҳез, бойитилган ва янги ишлаб чиқарилган овқат

маҳсулотларининг ўрни ва аҳамиятини гигиеник баҳолашда қатор олимлар илмий ишлар олиб боришган (Шайхова Г.И., 2015;2022; Алимухамедов Д.Ш., 2018; Худайберганов А.С., 2022; Эрматов Н.Ж., 2018; 2022), бироқ, эндокрин тизими касалликлари ривожланишида ҳудудий овқатланиш тартибига боғлиқ ижтимоий-гигиеник чора-тадбирлар такомиллаштирилмаган.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг турли қатламларининг овқатланиш тартибини бузилиши, овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш, моддалар алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ касалликлар кун сайин ортиб боришини асослаш билан биргаликда, қандли диабет касаллигини аҳоли орасида тарқалишининг ижтимоий-гигиеник омиллари, хавф омиллари, касалликни олдини олиш ва даволашда гигиеник ва ижтимоий-гигиеник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, эндокрин тизими касалликларида пациентларнинг ҳаёт сифати, пациентларнинг саломатлик ҳолатини яхшилаш ва умр кўриш давомийлиги ошириш, қандли диабет касаллигини асоратларини камайтириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03–4974 «Аҳоли саломатлигини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактик ёрдамни такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун хавфли омилларни бартараф этиш» (2018–2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади экологик ноқулай ҳудуд аҳолисининг овқатланишини инобатга олган ҳолда эндокрин тизими касалликларининг хавф омилларини гигиеник ва ижтимоий-гигиеник баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

муружаатлар, профилактик ва чуқурлаштирилган тиббий кўриклар, скрининг дастурлари материаллари асосида аҳолининг турли қатламлари орасида касалланиш даражасини ижтимоий-гигиеник баҳолаш;

шимолий–ғарбий ҳудуд аҳолисининг овқатланиш рационини гигиеник таҳлил қилиш;

шимолий–ғарбий ҳудуд аҳолисининг кунлик хронометраж асосида тана вазни индексини гигиеник таҳлил қилиш;

шимолий–ғарбий ҳудуд аҳолиси орасида эндокрин тизими касалликларининг хавф омилларини баҳолаш;

шимолий–ғарбий ҳудуд аҳолиси орасида эндокрин тизими касалликларини камайтириш ва ногиронликни олдини олишга қаратилган ижтимоий-гигиеник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоятининг қишлоқ ва шаҳарларида истиқомат қилаётган ва вилоят эндокринология диспансерида рўйхатда турган 18 дан 76 ёшгача бўлган 1375 нафар (649 нафар эркаklar ва 726 нафар аёллар) пациентлар, қиш-баҳор ва ёз-куз мавсумларидаги 216 (108 тадан) та таомноманинг таркиби ва тузилиши олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида эндокрин тизими касалликларининг тарқалиши, қандли диабет билан хасталанган пациентларнинг кунлик овқатланиши ва шифохонадаги кунлик таомноманинг озуқавий ва биологик қиймати, пациентларнинг касалланиш даражаси, уларнинг ҳаёт сифати ва касалликнинг тарқалишини олдини олишни ижтимоий-гигиеник баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Эндокрин тизими касалликлари ривожланишида ҳудудий овқатланиш тартибига боғлиқ ижтимоий-гигиеник чора-тадбирларни такомиллаштиришда гигиеник, аналитик, ижтимоий-гигиеник, статистик ва ҳодиса-назорат усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кунлик рациондаги олий навли ун маҳсулотларини истеъмол қилишни жавдар нони ва фруктоза сақловчи маҳсулотлар билан алмаштириш орқали қондаги глюкоза миқдорини камайтириш ҳисобига хасталик ва унинг асоратлари тарқалишининг икки баравар камайиши асосланган;

беморларнинг пархез рационига ёғли гўшт маҳсулотлари ўрнига қуён ва ёғсиз парранда гўшти, ёғсиз балиқ, зайтун мойи ва зиғир уруғининг киритилиши натижасида хасталик хавф омилларининг шанслар нисбатини ижобий томонга кескин пасайтирадиган градацияларнинг ижтимоий-гигиеник кўрсаткичлари исботланган;

маҳалла, қишлоқ, туман, шаҳар ва вилоят даражасидаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами амалиёти врачгача қабул жараёнига барча катта ёшдаги беморларнинг тана-вазн индексини ҳисоблашни киритиш орқали, хавф омиллари, қондаги глюкоза, гликирланган гемоглобин ва холестерин миқдорини коррекциялаш натижасида оилавий шифокорнинг юкмасини камайтириш ҳисобига иш самарадорлигини ошириш тартиби исботланган;

илк маротаба беморнинг саломатлиги кўрсаткичларининг (жисмоний, ижтимоий ва ҳаётий фаоллиги, танадаги сезиларли даражадаги оғриқлар, умумий саломатлик, ҳаётийлик, ҳиссий ҳолат ва руҳий саломатлик) умумий фаровонлик ва ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш тартиби такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шимолий–ғарбий ҳудуд қишлоқ ва шаҳар шароитида истиқомат қилаётган пациентларни мурожаатлари, профилактик ва чуқурлаштирилган тиббий кўрик ва скрининг дастурлари асосида касалланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинган;

шимолий – ғарбий ҳудуднинг қишлоқ ва шаҳар шароитида истиқомат қилаётган пациентларни профилактик ва чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ва скрининг дастурлари асосида касалланиш кўрсаткичлари баҳоланган;

шимолий – ғарбий ҳудудда эндокрин тизими касалликлари билан хасталанган беморларнинг кунлик овқатланиш рационини таркибидаги оқсил, ёғ, мой, карбонсув витамин ва минерал моддалар гигиеник таҳлилларининг сон ва сифат кўрсаткичлари баҳоланган;

пархез рационини таркибида оқсил, ёғ, мой, карбонсув, витамин ва минерал моддаларнинг ўрни ҳамда касалликни олдини олишдаги аҳамияти

баҳоланган;

касалликнинг ривожланишида носоғлом овқатланиш ва гиподинамия ҳолатини олдини олишга қаратилган ташкилий тавсиялар ишлаб чиқилган;

беморнинг саломатлиги кўрсаткичларининг умумий фаровонлик ва ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш тартиби махсус SF-36 сўровномаси орқали очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган гигиеник, аналитик, ижтимоий-гигиеник ва статистик тадқиқот усуллари асосида эндокрин тизими касалликлари ривожланишида ҳудудий овқатланиш тартибига боғлиқ ижтимоий-гигиеник чора-тадбирларни такомиллаш-тиришнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эндокрин тизими касалликлари билан хасталанган беморларнинг овқатланиш шароитлари ва кунлик рациони таркибида оқсил, ёғ ва мой, карбонсув, витамин ва микроэлементларни баҳолаш тартиби, озуқавий номутаносиблик натижасида пациентларда эндокрин касалликларининг ўзига хос хусусиятлари, парҳез таомнинг озуқавий, биологик қиймати ва қандли диабет ривожланишининг кунлик рационга боғлиқлигини назарий тартиби ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эндокрин тизими касалликларининг тарқалиши, қандли диабет билан хасталанган пациентларнинг кунлик овқатланиш ва шифохонадаги кунлик таомноманинг озуқавий ва биологик қиймати, касалланиш даражаси, пациентларнинг ҳаёт сифати ва касалликнинг тарқалишини олдини олишни ижтимоий-гигиеник хусусияларини баҳолаш имконини берганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эндокрин тизими касалликлари ривожланишида ҳудудий овқатланиш тартибига боғлиқ ижтимоий-гигиеник чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

тартибсиз овқатланиш, ортиқча тана вазни, семириш натижасида юзага келадиган қандли диабет билан хасталанган пациентлар орасида, олий навли ун маҳсулотларининг истеъмол миқдорини жавдар нони ва фруктоза сақловчи маҳсулотлар билан алмаштириш орқали ҳудудий овқатланиш тартибини яхшилаш, карбонсувларни камайтиришга қаратилган ижтимоий-гигиеник чора-тадбирлар бўйича олинган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида «Қандли диабет билан хасталанган беморларнинг овқатланишини гигиеник баҳолаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 мартдаги 8н-з/135-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома асосида қандли диабет билан хасталанган

пациентлар орасида худудий овқатланиш тартибига ўзгартиришлар киритиш, беморларнинг парҳез рацион таркибидаги ёғли гўшт маҳсулотларини қуён ва ёғсиз парранда гўшлари, ёғсиз балиқ, зайтун мойи, зиғир уруғини татбиқ этиш орқали хасталикнинг хавф омилларини олдини олишга қаратилган ижтимоий-гигиеник чора-тадбирлар ва кунлик рациондаги олий навли ун маҳсулотларини истеъмол қилишни жавдар нони ва фруктоза сақловчи маҳсулотлар билан алмаштириш орқали қондаги глюкоза миқдорини камайтириш ҳисобига хасталик ва унинг асоратлари тарқалишининг камайиши тавсия қилинган;

эндокрин тизими касалликлари ривожланишида худудий овқатланиш тартибига боғлиқ ижтимоий-гигиеник чора-тадбирларни такомиллаштиришни асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Бухоро вилояти эндокринология диспансери клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 5 августдаги 08-09/84-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши эндокрин тизими касалликларини олдини олишга қаратилган худудий овқатланиш тартибини яхшилаш, гликемик индекси паст маҳсулотларни рационга киритиш, врачгача қабул хоналарида тана вазн индексини даврий назорат қилиш, бемор саломатлигини ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш орқали беморларнинг ногиронлигини олдини олиш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган ижтимоий-гигиеник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг республика фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва

диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эндокрин тизими касалликлари ривожланишида ҳудудий овқатланиш тартибига боғлиқ ижтимоий - гигиеник чора-тадбирларни такомиллаштиришнинг замонавий муаммолари**» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммога тааллуқли бўлган хорижий ва маҳаллий илмий нашрлар таҳлили келтирилган. Эндокрин тизими касалликлари ривожланишида ҳудудий овқатланиш тартибига боғлиқ ижтимоий-гигиеник чора-тадбирларни издан чиққанлиги, аҳолининг овқатланишини физиологик меъёрларга мос келмаслиги, рацион таркибидаги макро ва микроэлементларнинг етишмаслиги оқибатида ривожланадиган асоратлар, касалликни олдини олишга қаратилган парҳез рационнинг коррекциялаш мақсадида принципиал ёндашув ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Эндокрин тизими касалликлари ривожланишида ҳудудий овқатланиш тартибига боғлиқ ижтимоий - гигиеник чора-тадбирларни баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти ва предмети, шунингдек, қўлланилган усуллари баён қилинган. Тадқиқотлар Тошкент тиббиёт академияси Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедрасининг илмий тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган. Илмий иш натижаларини тадбиқ этиш учун режалаштирилган тадқиқотлар Тошкент тиббиёт академияси Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедрасининг илмий тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган. Тадқиқот объекти сифатида шимолий-ғарбий ҳудудда истиқомат қилиб келаётган эндокрин тизими касалликларидан қандли диабет билан хасталанган пациентлар олинган. Тадқиқотга жалб қилинган пациентлар Бухоро вилояти эндокринология диспансерида даволанган ҳамда уй шароитида профилактик даволанишда бўлган 1375 нафар (649 нафар эркаклар ва 726 нафар аёллар) пациентлар олинган бўлиб, уларнинг ёши 18 дан 76 ёшгачани ташкил қилган. Пациентларга маҳаллий маҳсулотлардан ташкил топган элиминацион парҳез истеъмол қилинган беморлар асосий гуруҳга киритилган бўлса, назорат гуруҳини 1375 нафар соғлом пациентлардан ташкил топган.

Эндокрин тизими касалликларидан қандли диабет билан хасталанган пациентларнинг субъектив ҳолати, объектив текширув натижалари (клиник-лаборатор) ҳамда анамнезини ўрганиш асосида амалга оширилган.

Маҳаллий рационнинг озуқавий ва биологик қиймати умумий қабул қилинган усуллар асосида баҳоланган, жумладан: оқсилларни-Къельдал усулида; ёғларни - Сокслет усулида; умумий корбонсувлар - оқсил, ёғ ва маҳсулотларнинг ёнғандан сўнг ҳосил бўлган кул миқдори ўртасидаги фарқ бўйича ҳисоблаш усулидан фойдаланилган.

Таомларнинг энергетик қийматининг қуввати Экземплярский усулида; алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар-ҳисоб-китоб усулида; пациентларнинг овқатланиши ҳисоб-китоб усулида ўрганилган. Ҳисоб-китоб усуллари овқат рационининг озуқавий ва биологик қийматини аниқлашда қўлланилган.

Статистик таҳлил учун 1375 та уй шароитидаги рацион таомнома-

таксимот усулида баҳоланган. Рационларнинг озуқавий қиймати «Озиқ-овқат маҳсулотларини кимёвий таркиби» жадваллари асосида ҳисобланган.

Олинган маълумотлар СанҚваМ 007-2020 «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёшига, жинсига ва касбий фаолияти гуруҳлари учун соғлом овқатланишни таъминлашга қаратилган ўртача кунлик рационал овқатланиш меъёрлари» талабларини ҳисобга олган ҳолда баҳоланган.

Овқатланиш рационининг озуқавий қиймати йилнинг қиш-баҳор ва ёз-куз мавсумлари учун алоҳида 38 та кўрсаткич бўйича баҳоланган. Рациондаги оқсилнинг биологик қиймати стандартнинг худди шундай кўрсаткичлари билан солиштирилган ва нисбий катталиклар ҳисобланган.

Шифохонанинг тайёр парҳез таомларининг лаборатор таҳлили умумқабул қилинган стандарт асосида амалга оширилган (жами бўлиб 216 та таомнома текширилган).

Пациентларнинг тана вазн индекси (ТВІ) бўйича овқатланиш ҳолатини баҳолаш усули. Тадқиқотда иштирок этганларни овқатланиш статусини баҳолаш учун аҳолини овқатланиш ҳолатини қиёсий баҳолашда «ТВІ индекси» бўйича тана вазни ҳолатининг таҳлили махсус формулани қўллаган ҳолда ўтказилган:

$$X = \frac{\text{вазни, кг}}{\text{бўйи, м.кв}}$$

Бунда овқатланиш ҳолатини баҳолаш махсус шкала бўйича ўтказилган: $X < 18,5$ -овқатланиш етишмовчилиги натижасидаги озғинлик; $X = 18,5-24,9$ меъёрий; $X = 25-29,9$ ортиқча тана вазни; $X > 30$ семизлик.

Қандли диабет билан хасталанган беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш сўровномаси SF-36. Ушбу сўровномада беморларнинг ўз соғлиги ҳақидаги фикрлари ҳақидаги саволлар мавжуд. Беморлар тақдим этган маълумотлар уларни ўзини қандай ҳис қилаётганини ва одатдаги ҳаракатлари билан касалликка қарши қанчалик яхши курашаётганини кузатишга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Эндокрин тизими касалликлари билан хасталанган пациентларнинг овқатланиш ҳолатини баҳолашнинг гигиеник таҳлили**» деб номланган учинчи бобида Бухоро вилоятида аҳолининг овқатланиш тартиби таҳлилида эркакларнинг кунлик озиқ-овқат истеъмолининг аёлларга нисбатан кескин фарқ қилиб, эркакларнинг кунлик рацион қовурилган, тузли ва аччиқ овқатларнинг истеъмоли билан биргаликда етарли даражада ортиқча ширинликлардан ташкил топган. Бу эса аксарият ҳолларда касаллик ривожланишининг энг асосий хавф омилларидан бири ҳисобланган. Аҳолининг кунлик рацион таркибида уннинг миқдори йилнинг ёз-куз-қиш-баҳор мавсумларида эркакларда 120-170,0% гача кескин ортиқчалиги, аёлларда эса аналогик тартибда 75-135% ортиқчалиги


аниқланган. Бироқ, олий навли ундан тайёрланган ноннинг миқдори эркакларда 167,6-171,6%гача, аёлларда 163,1-166,8%га ортиқча истеъмол қилинганлиги аниқланган. Нон маҳсулотларининг миқдори йилнинг барча фаслларида кескин даражада ортиқча бўлсада, бироқ, бўтқаларнинг умумий миқдори физиологик меъёрга нисбатан эркакларда 27,5-37%га, аёлларда эса 21,1-30,2%га таъминланган.

Гўшт маҳсулотлари (турли гўштлар, ич маҳсулотлари ва колбаса маҳсулотлари)нинг йил давомидаги истеъмол даражаси эркакларда 37,24; 64,0; 65,3; 56,8%ни, аёлларда эса 38,3; 57,0; 63,6; 57,67%ни ташкил қилган. Кунлик рацион таркибида сабзавотларнинг миқдори йил давомида эркакларда 57,3 - 96,74 %ни, аёлларда эса 50,9 - 72,7%ни ташкил қилган, ёзда қовоқнинг истеъмол қилинмаганлиги натижаларга кескин таъсир қилган.

Меваларнинг миқдори эса ёзда эркакларда 32,4, аёлларда 32,0%ни, кузда аналогик тартибда 34,0 ва 38,0%, қишда 30,4 ва 30,0%ни, баҳорда 22,7 ва 18,0%ни ташкил қилган.

Шакарнинг миқдори эса эркакларда йил давомида 133,3дан 213,3%гача, аёлларда эса 175,0дан 275%гача меъёрдан жуда ортиқчалиги аниқланган.


Ўсимлик мойининг миқдори эркакларда 83,3дан 116,67%гача, аёлларда эса аналогик тартибда 60% дан 100%гача таъминланган.



1-расм. Қандли диабет билан хасталанган эркак пациентларнинг кунлик асосий озуқа моддаларнинг кўрсаткичлари

Эркак пациентлар орасида асосий озуқа моддаларнинг истеъмол даражаси 1-расмда келтирилган бўлиб, оксилларнинг истеъмол даражаси физиологик меъёрга нисбатан 21,5 - 29,5%гача эканлиги, ёғларнинг миқдори эса эркакларда 80,2 - 123,3%гача таъминланганлиги ва асосан ўсимлик мойларининг истеъмол қиймати ҳисобидан таъминланса, карбонсувларнинг миқдори йилнинг барча фаслларида 135,8 - 140,4%гача, яъни меъёрдан ортиқ истеъмол қилинганлиги аниқланган.

Кунлик энергетик қиймат ҳамда оқсил, ёғ ва карбонсувларнинг нисбати 1:0,9:6,8 ни ташкил қилган. Аёл пациентлар орасида оқсилларнинг миқдори белгиланган физиологик меъёрнинг 31,0 - 36,8%гача кам истеъмол қилинганлиги, ёғлар 70,9 - 89,3%гача, карбонсувларнинг миқдори йил давомида 130,2 - 133,6%гача ортиқ истеъмол қилинганлиги аниқланган.



2-расм. Қандли диабет билан хасталанган аёл пациентларнинг кунлик асосий озуқа моддаларнинг кўрсаткичлари

Биотин (витамин В₇) асосан дуккаклилар, лавлаги, бодринг, сабзи ва ўрик таркибида бошқаларга нисбатан кўпроқ мавжуд бўлиб, ушбу маҳсулотларда фақат нўхатни пациентлар ортиқча истеъмол қилганлиги аниқланган. Қолган бошқа маҳсулотлар етарли миқдорда истеъмол қилинмаганлиги аниқланган.

Биотиннинг 7 та асосий вазифалари мавжуд бўлиб, уларга теридаги ўзгаришлар, сочларнинг ўсишдан орқада қолиши, ўсишнинг орқада қолиши, камқонлик, иштаҳанинг бузилиши, тилнинг оқариши, қон таркибидаги қанд миқдорининг камайиши каби белгилар киради. Пациентлар томонидан асосан биотин сақловчи маҳсулотлар билан биргаликда хром сақловчи маҳсулотларни истеъмол қилинса, қандли диабет касаллигини даволашда самарали ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқотларда биотиннинг кунлик истеъмол даражаси эркакларда ёз мавсумида 58,2%ни, куз мавсумида эса 60,45%ни, аёлларда эса аналогик тартибда 42,2 - 43,6%ни ташкил қилган. Биотиннинг кунлик рацион таркибида етишмовчилиги касалликнинг ошиши ва янада асоратлар билан ривожланиши учун шароит яратган.

Карбонсувларнинг меъёрий кўрсаткичлардан кескин даражадаги ортиқчалиги, кун давомидаги овқатланиш рационида ун, нон маҳсулотлари, макарон, шакар, ош тузи, қандолат маҳсулотларнинг, куз мавсумида узум миқдорининг ортиқчалиги иссиқ иқлим шароитидаги аҳоли орасида

моддалар алмашинуви касалликлари билан биргаликда метаболик ўзгаришлар, қон босимининг ортиши, иммун тизими фаолиятининг пасайиши натижасида қандли диабет касаллигининг ривожланиши, биринчи турининг иккинчи турга ўтиши ҳамда турли касалликларнинг ривожланиши ва уларнинг асоратланишига шароит яратилганлигини кўрсатган.

Овқатланиш ҳолатини баҳолаш натижалари нафақат касалликнинг ривожланиш даражаси, балки, пациентлар тана вазни индекси билан солиштирилган.

Пациентларнинг тартибсиз овқатланишининг сон ва сифат кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, ортиқча тана вазни (25,0-29,9 кг/м²) 394 (28,65%) нафар, семизлик (ТВІ≥30 кг/м²) 591 (42,9%) нафар пациентларда қайд қилинган.

Ушбу бобда ўрганилган натижаларнинг таҳлиллари асосида таъкидлаш жоизки, рационнинг гигиеник талабларга мос келмаслиги, организм иммун тизимининг заифланиши, моддалар аламашинувининг бузилиши, микронутриент статусининг ўзгариши билан биргаликда, нафақат инфекция, балки ноинфекцион касалликлар, жумладан, қандли диабет ва бошқа нутриентив бузилишлар билан боғлиқ касалликларнинг ривожланиши ва авж олишига шароит яратиши мумкин.

Ёғда эрийдиган витаминлардан ретинолнинг кунлик истеъмол даражаси эркаларда 94,6 - 95,3%га, аёлларда эса 92,2 - 95,35%га, кальцеферол 84,8-87,7% ва 78,7 - 87,8%га, филохиноннинг миқдори эса 60,5 - 65,1 ҳамда 49,5-54,8%га таъминланганлиги, сувда эрийдиган витаминлардан фолат кислотасининг миқдори эркаларда 50,0-46,8%га, аёлларда эса 45,2-50,55%га, биотин миқдори эса 58,2 - 60,45%га, аёлларда эса 42,2 - 43,6%га таъминланганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Эндокрин тизими хасталиклари билан касалланган пациентларнинг касалланиш кўрсаткичларнинг гигиеник таҳлили» деб номланган тўртинчи бобида эндокрин тизими касалликларидан қандли диабет билан касалланиш даражаси ижтимоий - гигиеник таҳлил қилинган. Вилоятда эндокрин тизими касалликлари билан касалланиш даражаси аҳолининг мурожаатлари асосида 2009 йилда 3950,7 ни, 2019 йилда эса 3339,5ни ташкил қилган. Агар кун сайин дунёнинг ривожланган мамлакатларида эндокрин тизими касалликлари билан касалланиш даражаси ортаётганлиги эътиборга олинса, тиббиёт тизимида касалланиш даражасини қайд қилишда ўзига хос бўлган камчиликлар, яъни соғлиқни сақлаш тизимидаги бошқарувнинг нуқсонлари намоён бўлган.

Касалланиш кўрсаткичи 2010 йилда 3715,1ни, 2014 йилда 4210,1ни, 2018 йилда 2709,4ни ва 2019 йилда эса 3339,5ни ташкил қилган бўлса, 2009 ва 2019 йилларда эса ўртача кўрсаткич эса 3452,2 ни ташкил қилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, эндокрин тизими касалликлари билан касалланишнинг 10 йиллик динамик маълумотларида бир-бирига мос келмайдиган кескин фарқлар аниқланган. Масалан, 2012 йилда касалланиш кўрсаткичи 2797,4 ни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда 2709,4 ни ташкил қилганлиги, касалланиш даражасидаги номуносивликлар тиббий хизматни

ташқиллаштиришда хатоликлар қайд қилганлигини кўрсатган.

Ушбу илмий ишда биз мавжуд статистик маълумотларни таҳлил қилишни мақсад қилиб олдик ва бунда бирламчи тизимдаги даволаш-профилактика муассасаларида ҳужжатларини расмийлаштиришда хатоликлар, касалланиш кўрсаткичларида статистик номутаносибликлар ёки фарқлар аниқланган. Масалан, 2013 йилда касалланиш даражаси 64,4%ни ташқил қилган бўлса, 2014 йилда 55,7%ни ташқил қилган. Ушбу ҳолат бир йилда касалланиш даражасининг 8,7% камайганлигини, ёки 1 йилда соғломлаштириш даражаси анча юқори, деб ҳисобланадиган бўлса, ушбу касалликдан соғайиш даражаси мавҳумлиги ёки ташхисот жараёнида камчилик мавжуд, деган саволлар соғлиқни сақлашни ташқил қилишдаги муаммоларни очиклаб берди. Шу билан бирга 2019 йилда 2018 йилга нисбатан касалланиш даражасининг 3,9%га камайганлиги корреляцион боғлиқлик мавжудлигини кўрсатган.


Йиллар давомида аёллар орасида касалланиш даражасининг энг юқори кўрсаткичи 2009 йилда қайд қилинган бўлиб, 74,2%ни, 2017 йилда 67,4%, 2016 йилда 66,4%, 2012 йилда 66,3ни, 2018 йилда эса 63,7%ни ташқил қилган бўлиб, энг паст кўрсаткич, 2014 йилда 55,7ни ва 2019 йилда 59,85%ни ташқил қилган.

Эркаклар орасида касалланиш кўрсаткичи 2009-2019 йиллар давомида 25,7дан 44,2%гача оралиғида қайд қилинган.

Аёлларга нисбатан эркакларда касалланиш даражаси бир мартага камлиги аниқланган. Аёлларда энг юқори касалланиш кўрсаткичи 2009 йилда 74,2%ни ташқил қилган бўлса, эркакларда ушбу йилда энг паст кўрсаткич қайд этилган. Эркаклар билан аёллар орасида касалланиш кўрсаткичидаги фарқ 48,5%ни ташқил қилган. 2019 йилда эса касалланиш кўрсаткичи аёлларда 59,8%ни ташқил қилган, эркакларда 39,4%ни ташқил этган, яъни орадаги фарқ 20,4%ни ташқил қилган.

Эндокрин тизими касалликлари билан бирламчи касалланиш даражасининг гигиеник таҳлилидан кўриниб турибдики, йиллар кесимида бирламчи касалланиш ўртача 1530,8ни ташқил қилган. 2009 йилда ушбу кўрсаткич 1648,9ни ташқил қилган бўлса, 2019 йилда 1256,1ни ташқил қилган.

Энг юқори кўрсаткич 2012 йилда 2348,0 ни ташқил қилган бўлса, энг паст кўрсаткич эса 2018 йилда 1112,6ни ташқил қилган. Бирламчи касалланиш 2014 йилдан бошлаб аналогик тартибида 1293,0; 1208,2 (2015 й.); 1136,7 (2016 й.); 1214,3 (2017 й.); 1112,6 (2018 й.) ва 1252,1 (2019 й.)ни ташқил қилган. Юқоридаги беш йилликда касалланиш кўрсаткичи камайиш тенденциясига эга бўлсада, аҳоли орасида касалликка мойиллик ва касалланиш даражасининг ўсиш тенденцияси сақланмоқда. Умумий ва бирламчи касалланиш кўрсаткичлари эндокрин тизимидаги нозологиялар бўйича қандли диабет, айниқса, 2 тип ҚД (53,8 - 61,2%), сўнг қалқонсимон без касалликларига (34,1 - 41,5%) тўғри келган.



3-расм. Эндокрин касалликлар йиллар кесимида тарқалиши (%).

Эндокрин тизими касалликлари структурасида аёллар ва эркеклар улуши таҳлил қилинганда, эркекларга нисбатан аёлларда касалланиш кўрсаткичи юқорилиги (55-93%) аниқланган.

2019, 2020, 2021 йиллар давомида энг кўп учрайдиган касалликлар (қандли диабетнинг 1 типи ва 2 типи, ҳамда қалқонсимон без касалликлари) солиштирадиганда, аёллар улуши кўплиги кузатилган. Касалликлар ўзаро солиштирилганда аёллар улушининг энг кўп қисми (92 - 93%) қалқонсимон без касалликларига тўғри келган.

Диссертациянинг «**Эндокрин тизим касаликлари билан хасталанган беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш натижалари**» деб номланган бешинчи бобда хавф омиллари аниқлаш ва солиштириш учун 1:1 нисбатда (1375:1375) «ҳодиса - назорат» гуруҳи асосида ҚД 2 типи бўйича хавф омиллари текширилган ва хавф омиллари градацияси бўйича кўриб чиқилган.

Бундан кўриниб турибдики, эндокрин тизим касалликлари билан хасталанган пациентлар орасида пала - партиш овқатланиш, ширинликларни ортиқча истеъмол қилиш, тузли ва аччиқ овқатларни ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, кўп ухлаш, ортиқча тана вазни, семириш асосий хавф омиллари бўлиб ҳисобланган ва уларнинг шанслар нисбати юқорлиги аниқланган.

Ҳаёт сифатини ўрганиш учун SF-36 саволномада ҳар бир савол баллар ҳисобга олинган ва ҳар бир шкала бўйича ҳисоблаб чиқилган. 8 та шкала бўйича саволлар берилган: жисмоний фаолият - (PF); инсон ҳаётида жисмоний фаолиятнинг ўрни - (RP); оғриқ шкаласи - (BP); умумий саломатлик ҳолати - (GH); ҳаётийлик шкаласи - (VT); ижтимоий фаолиятни акс эттирадиган шкала - (SF); ҳиссий-эмоционал фаолият - (RE); руҳий ҳолат - (MH).

Шкалаларда «саломатликнинг жисмоний компоненти» ва «саломатликнинг психологик компоненти» иккита кўрсаткичга

